

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил декабрь ойининг 21 куни жиноят ишлари бўйича Томди туман судининг очиқ суд мажлиси жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар суди биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Д.Эргашева, судья ёрдамчиси Ж.Мавлоновнинг котиблигида, тарафлардан Зарафшон шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Бабакулов, судланувчи М.Собиров, жабрланувчи Д.Қўчқоров, И.Шодиев ва фуқаровий даъвогар Ч.Шодмоновнинг қатнашувида Собиров Мироншоҳ Равшан ўғлига оид 1-2108-2201/45-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Собиров Мираншоҳ Равшан ўғли (Sobirov Miranshoh Ravshan o'g'li) 1994 йил 20 июнь куни Бухоро вилояти Бухоро шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, тадбиркор, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Томди тумани Шарқ массиви 31-хонадонда яшовчи, иш бўйича 28.10.2022 йилда «гаров» эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 10 ноябрда судда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд иш ҳолатлари билан танишиб, судланувчи, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини эшитиб ҳамда тарафларнинг фикрини тинглаб, ишда тўпланган бошқа далилларни суд терговидида таҳлил қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи Собиров Мираншоҳ Равшан ўғли (Sobirov Miranshoh Ravshan o'g'li) 2022 йил 20 июль куни соат 04:13да спиртли ичимлик ичган маст ҳолатда автомашина бошқариши таъқиқланган бўлишига қарамасдан, маст ҳолатда бошқарувида бўлган Prado русумидаги 01C398SB давлат рақамли автомашина билан Зарафшон-Аэропорт йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб келиб, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 12-банди Ҳайдовчи қуйидагилар таъқиқланади: транспорт воситасини мастлик ҳолатида (алкаголь, гиёҳванд моддалар истеъмол қилган ҳолда ва ҳ.к), сезгирлик ва эътиборини сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлар ва бетоблик ҳолатида бошқариш;



77-банди Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф тугдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги кўрсатилган бўлса-да, ушбу қоидаларни қўпол равишда бузиб, унинг ҳаракатланиш йўналишига нисбатан ўнг тарафда автомашина ғилдирагини алмаштириш учун автомашинанинг оғохлантирувчи чироқларини ёниқ ҳолатда тўхтаб турган фуқаро Шодмонов Чинмурод Холмурод ўғлига тегишли бўлган Нексия-2 русумидаги 85М792НА давлат рақамли автомашинани орқа томонидан уриб юбориши натижасида ушбу автомашина олд томонида бўлган Қўчқоров Диёрбек Отабек ўғлига Зарафшон шаҳар СТЭБнинг 13.08.2022 йилдаги №470-сонли хулосасига кўра “қўшма жароҳатланиш, бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, чап оёқ сон суяги пастки учлигидан ёпиқ синиб суяк бўлакларининг силжиши, ўнг тизза бўғими ифлосланган эзилиб йиртилган жароҳати, юқори жағ ўнг ва чап томон 1-тишларини постраматик синиши, 1-2-даражали постгеморрагик камқонлик, ўнг томон кўкрак қафасида шилинма, чап ёнбош соҳада қонталаш” каби оғир тан жароҳати ҳамда автомашина ичида бўлган фуқаро Шодиев Икром Ислом ўғли Зарафшон шаҳар СТЭБнинг 25.10.2022 йилдаги №53-Т-сонли хулосасига кўра “Бошнинг пешона, юз ва ўнг қўл кафт соҳаси кўплаб шилинган жароҳатлари, чап тизза бўғимийюмшоқ тўқималари лат ейиши, бўғимининг чузилиши ва гемартрози (бўғим бўшлиғи ичига қон йиғилиши) каби ўртача оғирликдаги” тан жароҳати етказган.

Бундан ташқари М.Собиров ўзининг юқоридаги ижтимоий хавфли қилмиши билан яъни спиртли ичимлик ичган маст ҳолатда транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларни бузган ҳолда унинг ҳаракатланиш йўналишига нисбатан ўнг тарафда автомашина ғилдирагини алмаштириш учун автомашинанинг



огоҳлантирувчи чироқлари ёниқ ҳолатда тўхтаб турган фуқаро Шодмонов Чинмурод Холмурод ўғлига тегишли бўлган Нексия-2 русумидаги 85M792HA давлат рақамли автомашинани орқа томонидан уриб юбориши натижасида Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ Навоий вилояти бўлимнинг 1112-сонли хулосасига кўра 37.757.500,0 (ўттиз етти миллион етти юз эллик минг беш юз) сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Судланувчи М.Собиров судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2022 йилнинг 20 июль куни Диёр исмли танишининг никоҳ тўйи бўлганлиги учун Зарафшон шаҳар 3-кичик туман ҳудудида жойлашган “Биллур” ресторанига Прадо русумли 01C398SB давлат рақам белгили автомашинада боргани, у ерда танишлари билан спиртли ичимлик истеъмол қилгани, соат 22:00да ресторандан чиқиб, “Папино” кафесига боргани, у ерда ҳам пиво ичиб, овқатланиб ўтиргани, соат 03:30ларда “Папино” кафесидан чиқиб, автомашинасига ўтиргани, Томди туманида жойлашган яшаш хонадонига йўл олгани, у шу вақтда спиртли ичимлик ичган ҳолда экани, у автомашинаси билан 120 км соат тезликда ҳаракатланиб кетаётган вақтида йўлнинг қатнов қисмида Нексия-2 русумли автомашина оғохлантирувчи чироқларини ёқмасдан тўхтаб турганлигини кўргани, автомашинаси билан Нексия-2 автомашинасини ўнг тарафидан ҳаракатланиб ўтиб кетмоқчи бўлганида машинасининг чап тараф олд қисми Нексия-2 русумли автомашинанинг орқа ўнг тарафига урилгани, у тормоз босгани ва тўхтагани, автомашинасидан тушиб қараганида унинг автомашинаси ва Нексия-2 русумли автомашинага зарар етганлигини кўргани, сўнг атрофга қараганида 4 нафар фуқаролар борлигини, улардан бирининг оёғи синиб, ерда ётганлигини кўргани, бироздан сўнг Тез тиббий ёрдам машинаси келиб, тан жароҳати олган фуқароларни олиб кетишгани, сўнг ИИБ ходимлари келишиб, ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштиришгани, у ЙТХ натижасида тан жароҳати олган Д.Қўчқоровнинг ахволдан хабар олиб, унга керакли дори-дармонларни олиб бериб тургани, Д.Қўчқоровнинг оёғини жарроҳлик усулида темир ускуна қўйдиришга ва даволашга 40 млн сўм атрофида харажат қилгани, у Д.Қўчқоровга етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаб бергани, Д.Қўчқоровнинг оёғидаги темир ускунанинг синганлиги унинг ўзининг айби билан содир бўлгани, унга бошқа пул тўлай олмаслиги, жабрланувчи И.Шодиевнинг ҳам касалхонада ётган



харажатларини қоплаганлиги, унга телефон апаратига етказилган зарарни ҳам қоплаб бергани, И.Шодиевнинг унга даъвоси йўқлигини, фуқаровий даъвогар Ч.Шодмоновнинг автомашинасига етказилган зарарни қоплаш учун 19 млн сўм пул бергани, автомашинани сотиш ҳисобидан Ч.Шодмонов жами 38 млн сўм пул олгани, унга етказилган зарарнинг қолган 19 млн сўмини ҳам тез орада қоплаб бериши, гаровга қўйилган 10 млн сўм пулларни Ч.Шодмоновга етказилган зарар учун ундиришни сўраши, қолган пулни ҳам ижро жараёнида қоплаб беришини, қилган ишидан пушаймонлигини ва унга қонуний енгиллик беришни сўрашини баён этди.

Судланувчи М.Собиров айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлсада, унинг юқоридаги жиноий хатти-ҳаракатлари қуйидаги далиллар билан исботланди:

Жумладан, жабрланувчи Д.Қўчқоровнинг судда, у 2022 йил 20 июль куни таниши Аббоснинг туғилган куни бўлганлиги сабабли соат 00:30да танишлари Икром, Дониёр, Меҳриддин ва Чинмуродлар яшаш хонадонига келишгани, сўнг улар билан бироз ўтиришгани, Чинмуродга тегишли бўлган Нексия-2 русумли автомашинада таниши Икромга тегишли бўлган видео-студияга бориб, у ерда гаплашиб ўтиришгани, шу вақтда Икром ва Чинмуродлар спиртли ичимлик ичишгани, соат 03:00да улар Зарафшон шаҳрида жойлашган Пирамида сузиш ҳавзасига боришгани ва у ерда чумилиб бироз дам олгани, шундан сўнг соат 03:50да Пирамидадан чиқиб, таниши Аббосни яшаш хонадонига яъни, Томди тумани Шарқ массивидаги ҳовлисига ташлаб келиш учун бормоқчи бўлишгани, шу вақтда таниши Чинмуродга тегишли бўлган Нексия-2 русумли автомашинани Чинмурод спиртли ичимлик ичганлиги сабабли Дониёр бошқариб кетгани, Чинмурод хайдовчи ўриндиғи ёнидаги олд ўриндиқда қолганлар эса орқада кетишаётгани, Шарқ массиви худудига яқин қолганида яъни, темир йўл кесишмаси ёнига келган вақтларида улар кетаётган Нексия-2 автомашинасининг чап тараф олд ғилдирагининг ҳавоси бўшаб қолганлигини билганларидан сўнг Дониёр автомашинани йўлнинг ўнг тарафига олиб тўхтатгани, ҳамда автомашинанинг оғохлантирувчи чироқлари ва олд ёритгич фараларини ёқиб, автомашинадан тушишгани, сўнг улар ҳаммалари автомашинадан тушиб, автомашина орқа капотидан керакли асбобларни олиб, автомашина қўшимча ғилдирагини қўйиш билан оввора бўлган вақтларида у автомашинанинг олд тарафида яъни, машинанинг олд



томонидаги давлат рақами жойлашган жойи тўғрисида ўтиргани, Чинмурод эса автомашинанинг ҳавоси бўшаб қолган ғилдирагини алмаштираётгани, Икром эса, автомашинанинг орқа ўриндиғида дам олиб ётгани, шунда 400 метрча масофадан енгил турдаги автомашина ҳаракатланиб келаётганлигини кўргани, шунда улар тўхтаб турган жойга 100 метр масофа қолганида улар тарафга ҳаракатланиб келаётган автомашина катта тезликда келаётганлигини билгани, шунда танишлари Нексия-2 автомашинасидан югуриб узоқлашишгани, у эса ўрнидан туриб қочишга улгурмасдан қолгани, шунда қора рангли Прадо русумли автомашина келиб, Нексия-2 русумли автомашинанинг орқа ўнг тарафидан катта тезликда келиб урилгани, натижада Нексия-2 автомашинаси олд томонида унинг чап тарафидан келиб урилгани, у ерга йиқилгани ва чап оёғи ва тишлари синиб кетгани, шундан сўнг танишлари уни йўловчи такси автомашинаси билан Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасига олиб боришгани, касалхонада унинг барча харажатларини судланувчи М.Собировнинг отаси қоплагани, унинг оёғига темир қўйишгани, бироқ бугунга келиб темир синиб кетгани, у яна даволанаётгани, темир синганидан сўнг унга М.Собировнинг отаси 3 млн сўм пул бергани, бироқ ҳозирда Самарқанд шаҳрида даволанишига 10 млн сўмдан ортиқ пул кетаётгани, М.Собиро оёғи яхши бўлганча унга харажатларини қоплаб беришга ваъда бергани, бироқ ҳозирга келиб даволанишига пул бермаганлигини, ушбу пулларни судланувчидан ундириб беришликни, судланувчига нисбатан қонун доирасида жазо тайинлашни сўраб баён қилган кўрсатуви билан;

Жабрланувчи И.Шодиевнинг судда, 2022 йил 20 июль куни таниши Аббоснинг туғилган куни бўлганлиги сабабли соат 00:30да танишлари Диёр ва Чинмуродлар яшаш хонадонига келишгани, сўнг улар билан бироз ўтиришгани ва Чинмуродга тегишли бўлган Нексия-2 русумли автомашинада унга тегишли бўлган ведио-студияга бориб, у ерда гаплашиб ўтиришгани, шу вақтда у ва Чинмурод спиртли ичимлик ичиб, соат 03:00да Зарафшон шаҳрида жойлашган Пирамида сузиш ҳавзасига боришгани ва у ерда чумилиб бироз дам олгани, шундан сўнг соат тахмиинан 03:50да улар Пирамидадан чиқиб, таниши Аббосни яшаш хонадонига яъни, Томди тумани Шарқ массивидаги ховлисига ташлаб келиш учун бормоқчи бўлгани, шу вақтда таниши Чинмуродга тегишли бўлган Нексия-2 русумли автомашинани Чинмурод спиртли ичимлик ичганлиги



сабабли Дониёр бошқариб кетгани, Чинмурод хайдовчи ўриндиғи ёнидаги олд ўриндиқда қолганлар эса орқада кетишгани, Шарқ массиви худудига яқин қолганида яъни, темир йўл кесишмаси ёнига келган вақтларида улар кетаётган Нексия-2 автомашинасининг чап тараф олд филдирагининг ҳавоси бўшаб қолганлигини билганларидан сўнг Дониёр автомашинани йўлнинг ўнг тарафига олиб тўхтатгани, ҳамда автомашинанинг оғохлантирувчи чироқлари ва олд ёритгич фараларини ёқиб, автомашинадан тушишгани, сўнг, улар ҳаммалари автомашинадан тушиб, автомашина орқа капотидан керакли асбобларни олиб, автомашина қўшимча филдирагини қўйиш билан оввора бўла бошлашгани, шу вақтда Аббос ва Диёр автомашинанинг олд тарафида яъни, машинанинг олд томонидаги давлат рақами жойлашган жойи тўғрисида ўтиргани, Чинмурод эса автомашинанинг ҳавоси бўшаб қолган филдирагини алмаштираётгани, у эса, автомашинанинг орқа ўриндиғида дам олиб ётгани, шу вақтда у ўзига тегишли бўлган телефон апаратидан ведио кўриб ўтиргани, шунда танишлари автомашинадан тушиб кетишини айтишгани, у эса уларнинг гапларига эътибор бермасдан жойидан турмагани, шу вақтда Нексия-2 русумли автомашинанинг орқа тарафидан бошқа бир автомашина келиб урилгани ва у автомашина эшигидан ичидан учиб кетиб ерга йиқилиб хушидан кетгани, шундан сўнг ўзига келганида зарафшон шаҳар Тиббиёт бирлашмасида эканлигини билгани, ушбу ИТХ натижасида унинг танасининг турли жойларидан тан жароҳати олгани ҳамда автомашина ичида турган ўзига тегишли бўлган бир дона “Canon 6D Mark 2” русумли фотоаппарати, 2 дона қувватловчи батарейкалари ва Самсунг А41 русумли телефон апаратининг экрани яроқсиз ҳолатга келиб қолгани, у моддий-маънавий зарар кўргани, судланувчи М.Собиров унга етказилган зарарларни қоплаб бергани, унга нисбатан даввоси йўқлиги ва унга қонун доирасида жазо тайинлашни сўраб баён қилган кўрсатуви билан;

Фуқаровий даъвогар Ч.Шодмоновнинг судда, 2022 йил 19 июль куни соат 23:50да ўзининг номига расмийлаштирилган “Нексия-2” русумли 85М792НА давлат рақам белгили автомашинасида Аббос исмли танишини туғилган кунини нишонлаш мақсадида яшаш хонадонидан чиққани, сўнг, танишлари Икром, Диёр ва Дониёрларни 11-кичик туман худудидан олгани, улар билан Золотинка Б/Жда жойлашган Аббоснинг яшаш хонадонига боришгани, у ерда 30 дақиқача ўтирганларидан сўнг, улар Икромга тегишли бўлган, 6-кичик



туманда жойлашган ведио монтаж қилиш студиясига боришга келишиб олишгани ва у, Икром, Диёр, Дониёр ва Аббослар билан биргаликда унинг автомашинасида 6-кичик туманда жойлашган студияга боришгани, у ерда бир соат давомида суҳбатлашиб ўтиргани, шундан сўнг улар “Пирамида” сув хавзасига бориб дам олишга келишиб олишгани ва “Пирамида” сув хавзасига боргани, у ерда чўмилиб, овқатланишгани ҳамда у ва Икром пиво ичишгани, сўнг соат 03:40да булар Пирамидадан чиқиб, Аббосни Золотинка Б/Ждаги яшаш хонадонига олиб бориб ташлаш мақсадида автомашинасига ўтиргани, у ўша вақтда пиво ичганлиги сабабли, автомашина хайдовчи ўриндиғига Дониёр ўтиргани, у эса хайдовчи ёнидаги олд ўриндиққа ўтиргани, орқадаги ўриндиқларда эса Икром, Диёр ва Аббослар ўтиришганидан сўнг, Дониёр автомашинани хайдаб кетгани, улар Золотинка Б\Жга кириш жойида жойлашган темир йўл кесишмаси ёнига келганларида автомашинанинг олд тарафидан тақиллаган овоз чиқа бошлагани, шунда у автомашинани хайдаб кетаётган Дониёрга машинани тўхтатишини, машинанинг қайси қисми тақиллаб овоз чиқараётганлигини кўриб олишларини айтганида Дониёр автомашинани йўлнинг қатнов қисмидан ўнг тараф четига тўхтагани, сўнг, улар хаммалари автомашинадан тушишгани, у эса автомашинанинг олд тарафига ўтиб қараганида чап тараф олд ғилдирак бўшаб қолганлигини кўргани, шундан сўнг танишлари ёрдамида автомашинанинг қўшимча ғилдирагини олиб ўрнатаётган вақтларида 500 метр масофада Золотинка Б/Жга қараб 150 км. соат тезлик билан ҳаракатланиб келаётган автомашинани кўришгани, шунда юқори тезлик билан улар томонга ҳаракатланиб келаётган автомашин катта тезликда келиб, унинг автомашинасининг орқа ўнг қисмига келиб урилгани, шу вақтда у ўрнидан туриб қочиб қолгани, шунда атрофи чангиб кетгани, Диёр эса баланд овоз билан бақариб ерда ётгани, шунда улар Диёрнинг ёнига бориб уни ердан кўтариб олмоқчи бўлишганида унинг чап оёғи синганлигини билишгани, шу вақтда унинг автомашинасига катта тезликда келиб урилган Прадо русумли 01С398SB давлат рақам белгили автомашинадан унга олдиндан таниш бўлган Собиров Мироншоҳ тушиб келгани, унинг юриши ва ҳаракатларидан кўп миқдорда спиртли ичимлик ичганлиги сезилиб тургани, сўнг, улар Диёрни йўловчи такси автомашинасига миндириб, тахи автомашинаси хайдовчисига Диёрни Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасига олиб боришини айтишгани, шундан



сўнг, ИИБ ходимлари келишиб, бўлган ҳолат юзасидан суриштирув ишларини олиб боришгани, сўнг Икромни ҳам ахволи ёмонлашгани учун Зарафшон шаҳар Тиббиёт бирлашмасига кетгани, ушбу ЙТХ натижасида у ҳеч қандай тан жароҳати олмагани, лекин ўзига тегишли автомашинасига кўп миқдорда зарар етгани, автомашинасига етказилган зарар экспертиза маркази томонидан 38 млн сўмга баҳоланганидан хабари бўлмагани, агар билганида экспертизани қайтадан ўтказишни сўраган бўлиши, судланувчи М.Собировнинг отаси унга автомашинасини сотиб юбориб, автомашинанинг пули билан биргаликда 38 млн сўм пул берганини, шундан 19 млн сўм автомашинани сотишдан тушган пул экани, М.Собиров унга зарарни қоплаш учун 19 млн сўм пул бергани, унга яна 21 млн сўм пул маблағи ундириб беришни сўраши, ушбу зарарни судланувчидан ундириб беришликни, судланувчига нисбатан қонуний доирасида жазо тайинлашни сўраб баён қилган кўрсатуви билан;

Гувоҳ Э.Абдуллаевнинг судда берган жиноят ишини тергов қилганлиги, тергов жараёнида автотранспорт воситасига етказилган моддий зарарни аниқлаш юзасидан Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ Навоий филиалига экспертиза тайинлаганлиги, эксперт Навоий шаҳридан Зарафшон шаҳрига келиб автомашинани баҳолаш жараёнида судланувчи М.Собиров ва фуқаровий даъвогар Ч.Шодмонов иштирок этганлиги, экспертиза хулосаси ҳақида Ч.Шодмоновнинг хабари бўлганлиги, у автомашинасининг баҳоланганлигидан тергов жараёнида эътироз билдирмаганилиги, кейинчалик тергов жараёнида автомашинасини жарима майдонидан чиқаришни сўраб ариза тақдим этганлиги сабабли автомашина чиқариб берилганлиги, Ч.Шодмонов тергов жараёнида автомашинасига етказилган зарар юзасидан судланувчидан 38 млн сўм олганлигини билдирганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

РСТЭИАМНФ Зарафшон шаҳар СТЭ бўлинмасининг 03.08.2022 йилдаги 470-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, фуқаро Д.Қўчқоровнинг танасидаги тан жароҳатлари, оғирлик даражаси бўйича “Оғир тан жароҳати” гуруҳига кириши кўрсатилгани;

РСТЭИАМНФ Томди туман СТЭ бўлинмасининг 12.10.2022 йилдаги 53-Т-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, фуқаро И.Шодиевнинг танасидаги тан



жароҳатлари, оғирлик даражаси бўйича “ўртача оғирликдаги тан жароҳати” гуруҳига кириши кўрсатилгани;

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқловчи махсус мослама (алкотестер)нинг М.Собировнинг оғиз бўшлиғидан чиқарилган ҳаводаги этанол буғлар концентрацияси кўрсаткичи 1,105 миллиграммни ташкил этиши аниқлангани;

Навоий вилояти ИИБ ЭКМнинг 10.08.2022 йилдаги 668-сонли судга оид транспорт-трасология экспертизаси хулосасига кўра, тўқнашув вақтида, давлат рақами 01 С 398 SB бўлган Тойота русумли автомашинани олди томони қисмлари давлат рақами 85 М792 НА бўлган Нексия-2 русумли автомашинани орқа чап томони қисмларига теккан вазиятда тўқнашган, бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орқасидаги бурчак 0+_5 даража атрофида бўлганлиги;

Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ Навоий вилоят бўлимининг 04.10.2022 йилдаги 29/21-06(826)13.3Z/1112-сонли суд транспорт баҳолаш экспертизаси хулосасига кўра Нексия-2 русумли давлат рақами белгиси 85 М792 НА бўлган автомашинага етказилган зарар миқдори 37 757 500 сўмни ташкил этиши;

шунингдек, жиноят ишидаги билдирги, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма ҳамда фотосуратлар, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган ва судда текширилган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Собировнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил

26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 25-бандида “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-



ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи М.Собировга нисбатан жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни мастлик ҳолатида содир этганлигини айбини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, унинг шахсини, оилавий аҳволини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг унга нисбатан даъвоси борлигини, зарарларни тўлиқ қопламаганлигини инobatга олиб, унинг жиноий қилмиши квалификация қилинган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқоридаги қарорини 40-бандидаги “Қўшимча жазо чораларининг янги жиноятлар содир этилишини олдини олишда катта аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, судларга ҳукм чиқариш пайтида асосий жазо билан бирга тегишли қўшимча жазо қўллаш масаласини ҳам муҳокама қилиш тавсия қилинсин” деган талабига асосланиб, М.Собиров жиноятни бевосита маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш билан боғлиқ ҳолда содир қилганлигини инobatга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, қўшимча жазо тариқасида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни;

М.Собировга қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиб, М.Собировнинг аризасига асосан гаров сифатида қўйилган 10 000 000 (ўн миллион) сўм пул маблағини фуқаровий даъвогар Ч.Шодмоновга етказилган зарарни қоплаш учун қайтаришни белгилашни лозим топади.

Суд жиноят натижасида моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, ҳукм қонуний кучга киргач, М.Собировдан фуқаровий даъвогар Ч.Шодмоновнинг фойдасига 8 757 500 сўм моддий зарар ундиришни белгилашни лозим топди.

Бундан ташқари, суд, жабрланувчи Д.Қўчқоров ва фуқаровий даъвогар Ч.Шодмоновнинг моддий ва маънавий зарарларни ундириб бериш ҳақидаги даъвосини муҳокамаси



қилиб, уларнинг даъво хажми аниқ бўлмагани ва асосли ҳужжатлар тақдим қилинмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрь кунги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорида қайд этилган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, манфаатдор томонларга жиноят оқибатида етказилган зарарларни судланувчи М.Собировдан ундириш юзасидан асосли ҳужжатларни тўплаб, умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўлаб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Собиров Мираншоҳ Равшан ўғли (Sobirov Miranshoh Ravshan o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи М.Собировга ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасини қўлаб, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга барча турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо муддати ҳукм ички ишлар идоралари томонидан рўйхатга олиниб, ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин ва ички ишлар органи белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддаси талабига асосан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазолари алоҳида ижро қилинсин.

Қўшимча жазо ижроси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазолар ижросини таъминлаш Зарафшон шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

Судланувчи М.Собировга қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин гаров сифатида депозит ҳисоб рақамига қўйилган 10 000 000 (ўн миллион) сўм пул маблағи М.Собировнинг аризасига асосан етказилган моддий зарарни қоплаш учун жабрланувчи Ч.Шодмоновга қайтарилсин.



Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи М.Собировдан фуқаровий даъвогар Ч.Шодмонов фойдасига 8 757 500 сўм моддий зарар ундирилсин.

Манфаатдор томонларга жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни судланувчи М.Собировдан ундириш бўйича асосли хужжатлар тўплаб, умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи
Д.Эргашева

/имзо/

Аслига тўғри:

Маъсул судья: Эргашева Дилобар Ахроровна

